

Ушбу дуони 100 марта зикр қилсангиз, сиздан ёмонликлар ўчирилади



06:00 / 11.08.2022 5523

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бир кунда юз марта «Лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, йухйи ва йумийту ва ҳува ъалаа кулли шайъин қодиир» деса, бу унинг учун ўнта қулни озод қилиш билан баробар бўлади, унга юзта ҳасана битилади ва ундан юзта ёмонлик ўчирилади. Бу унга ўша куни шайтондан сақланиш бўлади. Ўша ҳол кеч киргунча давом этади. Ҳеч ким ундан кўра афзал нарса қила олмайди. Илло, ким ундан кўпроқ қилган бўлсагина, кўпроқ савоб бўлиши мумкин.

Яна ушбу санад билан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир кунда юз марта «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деса, унинг хатолари ҳатто денгиз кўпикларича бўлса ҳам ўчирилади», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Дуонинг маъноси: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Унинг Ўзи ёлғиздир, шериги йўқдир. Мулк Уникидир ва ҳамд Уникидир, тирилтирур ва ўлдирур

ва У ҳар бир нарсага қодирдир».

Ҳадиси шарифда алоҳида сўзлар ва жумлаларни маълум ададда зикр қилиш ҳақида сўз бормоқда. Демак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан нақл қилинган иборалар ила санаб зикр қилиш катта савобга, гуноҳларнинг кечирилишига ва бошқа фойдаларга эриштиради. Бу ишларни қилган одам суннатга мувофиқ ишни қилган бўлади.